



АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИДА ДАҒАЛ ДИСПЕРС СИСТЕМАЛАРНИНГ РОЛИ

Каршиев Э.Б.-дотцент, Жиззах давлат педагогика университети
Ахмедов Б.-магистрант, Жиззах давлат педагогика университети
Муясарова К.- магистрант, Жиззах давлат педагогика университети

Аноноттация;

Бу маколада ишлаб чиқаришда, аэрозол кўринишидаги микрогетероген дисперс системалар ҳосил қилиб, уларни қўллаш, табиатни муҳофаза қилиш энг муҳимлиги курсатилган.

Калит сузлари;

Дисперс, руда, шахта, гидрофоб, микрогетероген, гель, оксид, фосфор, азот.

Каттик дисперсион муҳитга эга бўлган коллоид системалар дисперс фазанинг агрегат ҳолатлари бўйича куйидаги турларга бўлинади. Дисперс фазаси газсимон (г/к), суюқ (с/к) ва каттик (к/к) бўлган каттик золлар мавжуд. Г/к турдаги системаларга (говак) қаттик жисмлар киради. Улар дағал дисперс системалар (каттик кўпиклар) бўлиб, улар жумласига пемза, пенобетон, турли қурилиш материаллари, изоляцион материаллар, керамика, юкори дисперс говак (силикагель, ўзанақларининг диаметри 1-100 нм бўлган активланган кўмир ва катализаторлар) киради. Бу материалларнинг зичликлари кичик бўлиб, улар иссиқликни ёмон ўтказди. Табиийки, уларнинг пишиқлиги говаклар хажмига боғлиқ бўлади. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг кўпчилик худудларида фойдали қазилмаларни рудаларни олишни бургулаш, портлатиш каби усулларида фойдаланилмоқда. Очик усулда кўмирни казиб олиш жараёнида атроф-муҳитга кўмир чангининг кўп





микдорда чикиб кетиши айни ҳудуд атмосфера ҳавосининг ифлосланишига олиб келмоқда. Олмалик кимё заводидаги кимёвий жараёнлар маҳсулотлари ҳисобланадиган олтингугурт, фосфор оксидларининг; Фаргона, Навоий азотли ўғитлар заводларидан чиқадиган азот оксидларининг атмосферага чиқиши ҳам ҳавонинг ифлосланишига олиб келмоқда. Бу ўз навбатида шу ҳудудларда яшовчи инсонларнинг аломатлигига, хайвонот оламига, ўсимликлар дунёсига, аникроғи, атроф-муҳитга ўзининг салбий тасирини кўрсатмоқда. Республикамиздаги бундай зарарли оқибатларнинг олдини олиш, уларга қарши химоя усулларини топиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Дисперс система деб бирор модданинг майда заррачалари бошқа модда ичида тарқалишидан ҳосил бўлган системага айтилади. [1]

Дисперс системаларнинг барқарорлиги дисперс фаза ва дисперсион муҳит заррачаларнинг катта-кичиклик (дисперслик) даражасига боғлиқ [2]. Барқарор дисперс системани ҳосил қилиш, техникада ва табиатни муҳофаза қилишда катта амалий аҳамиятга эга. Дисперс системаларни аэрозол кўриниши коинотда кенг тарқалган. Аэрозол-суюқлик ёки каттик жисм заррачаларининг газ муҳитида (масалан ҳавода) тарқалиши натижасида микрогетероген дисперс система ҳосил бўлади. Табиатдаги барча объектларда ҳам каттик-каттик, суюқ-газ, суюқ-каттик, газ-каттик типидagi дисперс системалар мавжуддир. Шу сабабли дисперс системаларнинг ролини билиш ва уларни бошқариш масаласи ишлаб чиқаришда учрайдиган аниқ масалаларни ҳал қилишда катта аҳамият касб этади. Саноат ривожланиши билан турли экологик муаммолар кўпайиши кузатилади. Жумладан, ер ости қазилма бойликларини бурғулашда, йўл қурилишида, тоғларни портлатишда, рудаларни техника воситаларга ортишида, рудаларни бойитишда, кўмир казиб олишда табиатга турли салбий таъсир кўрсатувчи чанг ва газларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олишда, аэрозол кўринишдаги дағал дисперс системаларни ҳосил қилиб, уларни





кўллаш жуда катта амалий аҳамиятга эга бўлади. Бизга инсон саломатлигига маълумки, турли захарли чанглар йиғилишининг оқибати салбий таъсир кўрсатишдан ташқари айрим газларнинг портлаши каби нохуш ҳолатларга олиб келади. Руда казиб олишда, масса таркибида гель ҳосил қилувчи модда бўлган махсус эритма билан суғорилади. Ҳосил бўлган гель руда казилган жойдаги дарзларни бекитиб газ йиғилишига йўл қўймайди. Барқарор гель ҳосил бўлишига ёрдам берувчи моддаларга, лиофиль-сувга мойил молекулаларидан тузилган моддалар қўшилади. Бундай молекула ўзининг кутбли группасини сув томонга қаратиб, гидрофоб радикалли қисми билан минерал сиртида адсорбцияланган ҳолда жойлашади. Кўмир казиб олишда лиофиль моддали эритма ишлатилса, кўмир сиртида адсорбланиб, кўмир ғавакларидан йиғилган газларни ҳайдаб чиқаради, бу эса табиатни муҳофаза қилишда, кончиларнинг саломатликларини сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ишлаб чиқаришда, аэрозол кўринишидаги микрогетероген дисперс системалар ҳосил қилиб, уларни қўллаш, табиатни муҳофаза қилишдаги ҳисобланади. Атроф-муҳитга кўмирнинг каттик заррачаларини ёки олтингугурт, фосфор, азот оксидларининг газ ҳолатидаги заррачаларини дисперс система ҳолатига ўтказиб, ҳавога тарқалиб кетмаслигини таъминлаш бугунги кунинг энг муҳим долзарб масаласидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каршиев Э.Б. «Структурообразование в суспензиях глин» “Тафаккур зийёси” илмий услубий журнали 2022 й.
2. Н.К Олимов «Физик ва коллоид кимё» Т. «Укитувчи» 2001 й.

